
“ZAMIN” ФОНДИ ТОМОНИДАН ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИДА МАҲОРАТ ДАРСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Фарғона шаҳридаги Президент мактабида “Zamin” фонди ва “Digital Generation Uzbekistan” нодавлат ноtijорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган “Рақамли авлод” лойиҳаси доирасида робототехника ва дастурлаш бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди. Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов ва вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шерзод Долимов иштирок этишди.

Унда 48 нафар Қувасой шаҳар 90-кар болалар учун ихтисослашган мактаб-интернати, 20 нафар оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳамда 24 нафар Президент мактаби ўқувчилари иштирок этди.

Мазкур дарслар ўқувчиларнинг ИТ соҳаси ва замонавий касбларга бўлган қизиқишлари, билим олишга бўлган интилишлари ҳамда ўз тенгдошлари қатори ўзларига бўлган ишонч мавжудлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Тадбир сўнгида ташкилотчилар томонидан фаол ўқувчилар ва ғолиблар махсус совғалар ҳамда халқаро сертификатлар билан тақдирландилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-05 18:31:44